

**АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУШУНЧАЛАРНИ ТАЪРИФЛАШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИНИНГ
ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

Файзихўжаева Д.Э.*

Миллий-маънавий, маърифий қадриятлар муайян тушунчалар тизимида акс этади. Бу тушунчалар, асосан, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, анализ ва синтез, таққослаш каби мантикий усуллар воситасида шакллангандир. Масалан, меҳр, муҳаббат, оқибат, қаноат, сабр, ҳаё, ифбат, дўстлик, ватанпарварлик ва бошқалар. Булар мантиқ илмида мавҳум тушунчалар деб номланади, чунки уларда инсонларга хос бўлган сифат ва хусусиятлар (белгилар) акс эттирилган бўлиб, бу тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида инсон ёки инсонларда, аниқ воқеа-ҳодисаларда муайянлашади, воқеликка айланади. Мавҳум тушунчаларнинг моҳиятини билиш ва амалда тўғри қўллаш учун ҳам уларнинг аниқ таърифларини билиб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тушунчаларнинг тўғри таърифланиши чин билимларни ҳосил қилиш ва шу асосда амалий фаолиятни тўғри, оқилона ташкил этишнинг зарурий шартидир. Шу нуқтан назардан Марказий Осиё мутафаккирларининг, хусусан, Абу Али ибн Синонинг тушунчаларни таърифлашга оид қарашларини ўрганиш ҳам амалий, ҳам назарий қимматга эга.

Ибн Сино тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур таҳлил қилган. У яқка ва умумий тушунчаларнинг фарқини кўрсатиб берди. Ўзида кўпликни ифодаламаган тушунчалар яқка тушунчалардир. Масалан, Сократ, бу инсон, бу уй ва ҳ.к. «Бу», «у» каби сўзлар билан боғланган тушунчалар яқкаликни ифодалайди.

Умумий тушунчалар ташқи олам предметларининг кўпчилиги учун чин бўлган тушунчалардир. Масалан, «инсон», «уй» каби. Бу тушунчаларнинг ҳар бири кўплаб индивидуал яқка предметларни ифодалайди. Ҳар қандай индивидуаллик учун умумий тушунча чин предикат ҳисобланади. Индивидуаллик умумийликнинг исботи ҳисобланади. Масалан, Зайд, Амр сўзларининг ҳар бири учун инсон тушунчаси чин предикат ҳисобланади.

Ибн Сино яқка тушунчалар реал мавжуд, умумий тушунчалар яқкаликка хос белгиларни умумлаштириш асосида вужудга келади, деб таъкидлайди. У Аристотелнинг бу масалага оид фикрларини ижодий ривожлантириб, уни янги ғоялар билан бойитади. Ибн Синонинг умумийликнинг турлари ҳақидаги фикрлари бунинг яққол далилидир.

Ибн Сино индивидуумларнинг реал воқеликда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги нуқтан назаридан умумийликни қўйидаги олти турга бўлади. Шундан икки турдаги умумийликлар ҳозирги замон мантиқ илмида қайд қилинадиган ва

қайд қилинмайдиган умумий тушунчаларни ифодалайди.

Улар реал воқеликда чекланган яқкаликларни ифодаловчи умумийлик (масалан, давлат тушунчаси) ва реал воқеликда чексиз яқкаликларни ифодаловчи умумийлик (масалан, ўсимлик).

Ибн Сино ҳам Аристотель каби категорияларнинг ўн турини кўрсатиб ўтади: субстанция, микдор, сифат, муносабат, ўрин, вақт, ҳолат, эғалик, фаолият, таъсир. Булардан фақат субстанция ўзгармас моҳият бўлиб, қолганлари ўзгарувчан моҳиятлардир, яъни акциденциялардир. Ибн Сино «Мавжудотнинг тақсимланиши тўғрисидаги рисола»сида субстанция ва акциденцияларнинг турларини батафсил таҳлил қилади [1]. У субстанцияни борлиги ўз зотидан бўлган нарса (жавҳар) деб, акциденцияни эса борлиги бошқа нарсалар туфайли бўлган нарса (ораз) деб атайди.

Субстанция ва акциденциялар тушунчалар орқали ифодаланади. Бу тушунчалар ўз мантикий вазифасига кўра бир-биридан фарқланади. Улар ўртасидаги фарқ предикабилияларда, яъни қай турдаги мантикий кесимни ифодалашида намоён бўлади.

Ибн Сино предикабилиялар ва улар билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг таърифланишига оид масалаларни «Китаб -аш-шифо»нинг мантиққа бағишланган қисмида, «Донишнома», «Ишорат ва танбеҳот», «ал-ҳикма ал-Машриқия» номли асарларида баён қилади. Мутафаккирлар предикабилияларни субъект-предикат муносабатлари доирасида кўриб чиқади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай умумий тушунча ё жинс, ё тур, ё турни фарқловчи белги, ё хусусий белги ёки умумий акцидентал белгини ифодаловчи предикатлардир. Мураккаб предикатлар эса уларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Масалан, «Зайд - фикрловчи ҳайвон» ҳукмида предикат жинс ва турни фарқловчи белгидан иборат.

Ибн Синонинг фикрича, индивидуум учун предикат бўлган умумий тушунчалар (универсалиялар) ўзаро жинс ва турга кўра фарқланади. Масалан, «Зайд» учун «инсон» ва «ҳайвон» тушунчалари предикат ҳисобланади. Лекин «инсон» тушунчаси «ҳайвон» тушунчасига кўра хусусийроқдир, яъни ҳажми торроқдир. Жинс ва турга кўра фарқ қилувчи умумий тушунчаларнинг ҳар бири «Бу индивидуум нима?» деган саволга жавоб бўлади.

Универсалиялар орасида энг умумий ёки энг хусусий характердагилари бўлиб, уларнинг ўртасида оралик занжирлар мавжуд бўлади. Икки универсалиядан умумийроғи жинс, хусусийроғи тур бўлади.

* Файзихўжаева Д.Э. – ЎЗМУ «Фалсафа тарихи ва мантиқ» кафедраси доценти.

Ўздан юкорида ҳеч нарса бўлмаган энг умумий универсалия «юкори жинс», ундан пасти бўлмаган хусусий универсалия эса «охирги тур» дейилади [2].

Улар оралигида мавжуд бўлганлари ўздан қуйидагисига нисбатан жинс, юкорисидагига нисбатан тур бўлади. Улар бўйсунувчи жинслар дейилади. Масалан, биз бу предметнинг пальма эканлигини билмаган ҳолда «бу нима?», деб сўраймиз. Саволимизга бу пальма, бу дарахт, бу ўсимлик, бу жисм деган жавоблар мос келади.

Бу жавобларнинг предикатлари қай даражада умумий ёки хусусий эканлиги билан ўзаро фарқланади. Бу терминлар орасида энг умумийси бўлган «жисм» - юкори жинс, «пальма» охирги тур бўлади, дарахт ва ўсимликлар эса оралик тушунчалардир. Охирги тур «бу нима?», - деган саволга жавоб беради ва яқка индивидуумни ифодалайди.

Ибн Синонинг фикрича, «Таърифлаш (ҳад) дан мақсад предметнинг ҳақиқий моҳиятини белгилашдир... Тасвирлаш (расм) дан мақсад буюмни тасаввур қилишдир, гарчи бунда предметнинг моҳиятини билиб бўлмаса ҳам. Демак, таърифлаш предметнинг моҳиятини тушунишдир» [3].

Ибн Сино тушунчаларни таърифлашнинг моҳиятини тўғри тушунган ва унинг воқеликни билишдаги ролига катта аҳамият берган. У тушунчаларни таърифлаш усуллари ва таърифлаш қоидаларини тўлиқ ишлаб чиққан, илмий атамаларни таърифлаб берган.

Ибн Сино тушунчалар мазмунини аниқлашнинг қуйидаги турларини кўрсатиб беради [4]:

Тўлиқ таърифлаш - яқин жинс тушунчасининг яқин тур белгиси билан қўшилишидан ташкил топувчи таърифлаш.

Тўлиқсиз таърифлаш - узоқ жинс ва яқин фарқ қилувчи белгини кўрсатиш орқали берилган таъриф.

Тўлиқ тасвирлаш - яқин жинс ва номуҳим хусусий белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш.

Тўлиқсиз тасвирлаш - предметнинг узоқ жиҳс ва муҳим белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш.

Мураккабликни айримлик орқали таърифлаш - таърифланувчи предметга нисбатан махсус муносабатда бўлган бир неча умумий белгаларни

келтириш орқали таърифлаш.

Номинал таърифлаш - бир тушунчанинг маъносини бошқа таниш тушунча ёрдамида кўрсатиб таърифлаш.

Форобий ва Ибн Сино фикрича, тўлиқ таърифлаш аподиктик ҳукмлар, тўлиқсиз таърифлаш диалектик ҳукмлар асосини ташкил этади. Таърифлашнинг қолган тўрт кўриниши риторик, софистик ва поэтик муҳокамаларда қўлланилади.

Ибн Сино мантикий амал сифатида таърифлашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда, фалсафий-илмий атамаларни таърифлаб берди. Унинг «Таърифлаш тўғрисида рисола» асарида ақл, жон, материя, элемент, субстанция, акциденция каби 72 фалсафий категория таърифи берилган бўлиб, унда тушунча ва атамаларнинг келиб чиқиши ва қўлланилишига ҳам муфассал изоҳ берилган [5].

Мутафаккир тушунчалар моҳиятини аниқлашда, яъни тўғри таърифлашда муайян мантикий қоидаларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди. Бу қоидаларнинг бузилиши пировард натижада турли мантикий хатоликларни келтириб чиқаришини тушунтириб беради. Ибн Сино таърифлашда учрайдиган қуйидаги мантикий хатоларни кўрсатиб беради [6]:

1. Предметни унинг ўзи орқали билишга ҳаракат қилинса, таърифлашда хатога йўл қўйилади. Масалан, вақт ҳаракатнинг муддати дир.

2. Предмет унга қарама-қарши бўлган бошқа таникли предмет орқали таърифланса, хатога йўл қўйилади. Масалан, яхшилик ёмонликка қарама-қарши бўлган ҳолат дир.

3. Предмет янада ноаниқ бўлган бошқа предмет орқали таърифланса, хатога йўл қўйилади. Масалан, олов жонга ўхшаш жисм дир.

4. Предметни ўзи орқали билинадиган бошқа предмет орқали таърифланганда хатога йўл қўйилади. Масалан, яхшилик инсоний фазилат дир.

Шунингдек, Ибн Сино таърифлашда турли бадий иборалардан, метафоралардан фойдаланмаслик зарурлигини таъкидлайди. Шунини айтиб ўтиш керакки, мазкур қоидаларда кўрсатилган шартлар, талаблар ҳозирги даврда ҳам ўз илмий қимматини сақлаб қолган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ибн Сино. Мавжудотнинг тақсимланиши тўғрисида рисола. // Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т., 1971. -Б. 306-309.
2. Абу Али Ибн Сина. Логика. // Указания и наставления. Избранные произведения. -Т.1. - Душанбе, 1980. -С. 212.
3. Абу Али Ибн Сина. Логика. // Дониш-намэ. Избранные произведения. -Т.1. - Душанбе, 1980. -С. 74.
4. Қаранг: Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. - Душанбе, 1965. -С. 118-120.
5. Қаранг: Вахабова Б.А. Рукописи произведений Ибн Сины. -Т.: Фан, 1982. -С. 22-23.
6. Абу Али Ибн Сина. Логика. // Дониш-намэ. Избранные произведения. -Т.1. - Душанбе, 1980. -С. 74-75.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется учение Ибн Сины о понятии, об определении понятий.

RESUME

This article analyze teaching of Ibn Sina about idea and definition.